



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 6 апрель, № 66 (5740)

Шанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 апрель куни Оқсаройда Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти, Халқаро олимпия кўмитаси аъзоси Томаш Аяни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Халқаро оғир атлетика федерацияси ва шахсан Томаш Аянинг жаҳон миқёсида спортнинг оғир атлетика каби кенг тарқалган турини, шунингдек, Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва хизматларини юксак баҳолади.

Халқаро оғир атлетика федерацияси раҳбарининг Ўзбекистонга ушбу ташрифи оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати доирасида кечмоқда. Мазкур халқаро спорт форуми 2013 йилда Халқаро федерация шафелигида ўтказилмайдиган энг нуфузли мусобақалардан биридир. Беллашувларда спортчилар Хитойда бўлиб ўтадиган «Нанкин — 2014» ўсмирлар олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни қўлга киритиш учун курашади.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистонда оғир атлетикани ривожлантириш истиқболлари, мазкур нуфузли ташкилот билан самарали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Томаш Аян бугунги кунда Ўзбекистонда оғир атлетика оммавий спорт турларидан бири эканини мамнуният билан таъкидлади. Буни Ўзбекистон спортчиларининг Осиё ва Олимпия ўйинларидаги, шунингдек, жаҳон чемпионатларидаги муваффақиятли иштироки яққол тасдиқлайди.

Ўзбекистонда маънавий ва жисмоний ривожланган ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилангани, жисмоний тарбия ва спорт эса таълим ва тарбия тизимининг узвий қисмига айлангани жаҳон жамоатчилигига янги маълум.

Томаш Аян Ўзбекистон спортчиларининг кўплаб спорт турлари бўйича мусобақаларда эришган муваффақиятлари натижасида халқаро спорт майдонларида мамлакатимизнинг нуфузи ошиб бораётганига юксак баҳо берди. Ўзбекистонда ўсмирлар ўртасида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати пухта тайёрлик кўрилганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов мазкур мусобақаларнинг муваффақиятли ўтишини, спортчиларга эса янги галабалар тилади.

(ЎЗА).

Сарвар ЎРМОҲОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 апрель куни Оқсаройда МДХ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон томони мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларининг бугунги даражасини юксак қадрлашни таъкидлади. Бу турли соҳаларда ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун мавжуд катта салоҳиятни изчил амалга ошириш имконини бермоқда.

Сергей Лавров давлатимиз раҳбарига Президент Владимир Путиннинг дўстона тилақларини изҳор қилиб, Россия раҳбарияти мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон билан мавжуд мулоқотларни кўллаб-қувватлаш ва изчил давом эттиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида томонлар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг муҳим масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Томонлар 2012 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳри-

да икки давлат раҳбарлари имзолаган Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияда баён этилган қилишларга қатъий амал қилишни таъкидлади. Ушбу ҳужжатда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболдаги устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Учрашувда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама қилинди. Ўзбекистонда МДХга ушбу ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг кенг кўламли муҳим масалалари юзасидан очиқлик ва ўзаро ишонч руҳида фикр алмашув учун ноёб платформа сифатида қаралади. Шу маънода, Тошкент шаҳрида Ҳамдўстликнинг энг муҳим институтиларидан бири — Ташқи ишлар вазири кенгаши мажлисининг муваффақиятли ўтказилиши кенг кўламли алоқаларни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Томонлар Ўзбекистон ва Россия манфаатларига доир минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

(ЎЗА).

Киска сатрларда

● Самарқандда “Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми” нодавлат ношароит ташкилоти, “Меҳр нури” хайрия жамғармаси ва “Келажақ овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида хайрия тадбирлари ўтказилди. Унда ташкилотчилар томонидан эллика яқин оилга эсдалик совғалари ҳамда бир гуруҳ фаол тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

● Пойтахтимизда “Инсон ва дори-дармон” мавзусида халқаро анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, шифокорлар, фармацевтика соҳаси вакиллари ҳамда МДХ давлатларидан мутахассислар қатнашди.

● Миллий матбуот марказида “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси имкониятлари: палатанинг худудий бошқармалари, ахборот-маслаҳат марказлари ва бизнесга кўмаклашиш марказлари фаолияти ва имкониятлари” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

● Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида “Инглиз тилини ўрганишда замонавий АКТдан фойдаланиш” лойиҳаси доирасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ZiuoNET ресурс маркази мутахассислари томонидан худудларда ташкил этилган семинар-тренинглари, “ICT for English Teachers” лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар берилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Тошкент шаҳрида 5 апрель куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазири кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ташқи ишлар вазири кенгаши мажлисидаги ўзаро ҳамкорликка доир кўплаб масалаларни муҳокама қилди. Мажлисда гуманитар соҳада, хавфсизликни таъминлаш ҳамда ҳамкорликнинг бошқа йўналишларида давлатларaro ҳамкорликни ривожлантиришга доир

қатор ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди. Ташқи ишлар вазири кенгаши мажлисидаги ўзаро ҳамкорликка доир кўплаб масалаларни муҳокама қилди. Мажлисда гуманитар соҳада, хавфсизликни таъминлаш ҳамда ҳамкорликнинг бошқа йўналишларида давлатларaro ҳамкорликни ривожлантиришга доир

ишлар вазирликлари консуллик хизматлари раҳбарлари маслаҳат кенгаши тўғрисидаги низом лойиҳаси ҳам тасдиқланди. Мажлис иштирокчилари МДХ давлатларининг олий ва олий касб-хунар таълими тўғрисидаги ҳужжатларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги битим, МДХ давлатларининг 2020 йил-

гача бўлган даврда Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси, 1997 йил 17 январда қабул қилинган МДХ худудиде ягона (умумий) таълим маконини шакллантиришга оид ҳамкорлик ҳақидаги қелишувга ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги протокол, МДХ давлатларининг

таълим соҳасидаги ҳамкорлиги бўйича 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган асосий тадбирлар режаси лойиҳаларини муҳокама қилдилар. Мажлисда, шунингдек, Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш борасидаги МДХ давлатларининг ҳамкорлик концепцияси,

(Давоми 2-бетда).

ДУНЁ НИГОҲИ

Будапештда Марказий ва Шарқий Европа минтақасининг йирик сайёҳлик тадбирларидан бири — “Utazas — Tourism Exhibition” халқаро туризм кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбир маҳаллий ва халқаро сайёҳлик компаниялари, Европада фаолият кўрсатадиган кўлаб меҳмонхона ҳамда авиакомпаниялар вакиллари ўз атрофига жамлади.

Венгрияда тақдимот

Ўзбекистон Республикасининг Венадаги дипломатия ваколатхонаси кўмағида очилган мамлакатимиз миллий бўлмаси “Utazas — Tourism Exhibition” иштирокчилари ҳамда унинг кўп сонли меҳмонларини нафақат юртимизнинг қадимий бой тарихи, балки ноёб ва бетакор халқ амалий санъати билан ҳам яқиндан ошно этди. Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик имкониятлари ҳақидаги ҳужжатли фильмлар намоиши эса тақдимот мазмундорлигини янада оширди.

Тадбир доирасида Европа вакиллари мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги кенг имкониятлари ҳамда асосий диққатга сазовор жойлари билан атрофлича танишиш баробарида, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари қўнақ шаҳарларга уюштирилган оммабоп саёҳатлар ҳақидаги янги маълумотларга ҳам эга бўлдилар.

Халқаро кўргазма якунида Ўзбекистон ва Венгрия сайёҳлик компаниялари ўртасида

(Давоми 2-бетда).

БИЗ — БИР ЖАМОА, БИЗ — БИР ОИЛАМИЗ

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажақ овози” ёшлар ташаббуслари маркази, Республика “Аёллар кенгаши” жамоат бирлашмаси, “Хаёт учун!” кўкрак беши саратони миллий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Биз — бир жамоа, биз — бир оиламиз” шиори остидаги ёшлар акцияси Нукус шаҳрида бўлиб ўтди.

Ташаббускор ёшлар шижоати

Унда Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларидан 11 минг нафарга яқин ёшлар қатнашди.

Мазкур тадбир доирасида олий таълим муассасалари, хусусан, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежларида семинар-тренинглари уюштирилди. Маълумотларнинг интерфаол ўйинлар, қизиқарли тақдимотлар шаклида ўтказилганлиги ёшларнинг ахборот технологиялари, журналистика, тадбиркорлик ҳамда чет тилларни ўрганиш борасидаги янги ғояларини тақдим этишларига имкон яратди. Шунингдек, ахборот технологиялари қизиқувчи ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида “Келажақ овози” ёшлар ташаббуслари маркази томонидан “IT-school” лойиҳаси тақдими ўтказилиб, унда мунтазам ташкил этиладиган бепул ўқув марказларига иқтидорли йигит-қизлар танлаб олинди. Семинар-тренингларида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятини билдирган ўттиз нафардан ортиқ йигит-қизнинг бизнес лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Бағрикенглик ва инсонпарварлик ифодаси

Президентимиз тақдирномасига мувофиқ, 2012 йил 5 декабрда Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарор ижроси белгиланган муддатда тўлиқ таъминланди. Мухбиримиз Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи Улуғберди НАРЗУЛЛАЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

— Маълумки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар изчил давом эттирилиб, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига эришилмоқда, — дейди Улуғберди Нарзуллаев. — Бу борада жиноят қонунчилиги босқичма-босқич либераллаштирилаётганлиги, айниқ-

са, муҳим аҳамият касб этмоқда. Нега деганда, соҳа ислохотлари туб моҳиятига инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойили сингдирилган бўлиб, бу билан жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳам кеңиририли бўлиш, уларни тўғри йўлга бошлаш орқали ўз хатосини тушуниб етишига кўмаклашишдек эзгу мақсадлар кўзда тутил-

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ «Барқарор» РЕЙТИНГ БАҲОСИГА ЭГА БУЛГАН ТИЖОРAT БАНКЛАРИ СЕНИ БУГУНГИ КУНДА

Барқарор Фаолиятнинг Халқаро Эътирофи

28 тага етди.

Республикамиз молия-банк соҳасида изчил олиб борилаётган ислохотлар натижасида тижорат банклари томонидан мажбуриятлар ўз вақтида бажарилаётгани, молиявий барқарорлик ва ликвидлик таъминланганлиги, активлар зарур даражада диверсификация қилинаётгани, қисқача айтганда, жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган хизматлар кўрсатилаётгани туфайли ана шундай юксак баҳога сазовор бўлинди.



Мозийнинг сирли сандиғи

Илм-фан ютуқлари жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатимизда илм-фан ривожига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилишининг замирида ҳам ана шу мақсад мужассам. Кейинги йилларда ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳалари, хусусан, археология соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётти. Хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликда олиб борилётган илмий изланишлар натижалари, айниқса, эътиборга моликдир.

АРХЕОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Яхё Фуломов номидаги Археология институти ҳамда Франция илмий тадқиқотлар миллий маркази "Эколь нормал суприер" (SNRS ENS) археология лабораторияси ҳамкорлигида ташкил этилган археологик экспедиция қарийб 20 йилдан буён мамлакатимизнинг жануби — Эски Термиз ёдгорлигида қазимша ишларини олиб бормоқда. Улар томонидан бугунги кунга қадар Сурхон воҳаси ҳудудида 700 дан зиёд археологик ёдгорликлар аниқланди. Қолаверса, бу ердан кўплаб амалий ва бадий санъат намуналарининг топилиши ҳам юртимиз тарихида янги саҳифа очилаётганидан далолатдир. Айниқ-

са, қазимша ишларининг Чингизтепа ёдгорлиги, Термизий мақбарасидан шарқий тарафда, шунингдек, ички шаҳарнинг мудрофаа истеҳкомларида олиб борилётгани самарали бўлмоқда. Тўпланган маълумотларнинг шохидлик беришича, милоддан аввалги биринчи ва милодий биринчи асрларда Сурхон воҳаси жадал ўлаштирилган. Сўғориш иншоотлари, жумладан, Каттанарх канали қазилиб, Занг канали кенгайтирилган.

Айни пайтда экспедиция томонидан Қўшон подшолиги даврига оид маҳобатли бино асосларини ўрганиш борасида кенг кўламли ишлар давом эттирилмоқда. Шунингдек, Амударё ёқалаб жойлашган Чингизтепа

ёдгорлигидаги мавжуд сарой мажмуи ва ибодатхонада олиб борилётган қазимша ишларида топилиб қолган ҳар бир буюм, осори-атика мутахассислар томонидан чуқур ўрганилаётти. Қазимшалар жараёнида ишланиш услуби, тузилиши ва безаклари билан Марказий Осиё буддавийлик санъатида тенги йўқ ҳайкаллар мажмуаси топилиди. Бақтрия, буддавийлик ва йонларга хос услуб ҳамда айналарнинг ўзида мужассам этган ушбу топилма милодий I-XI асрлар оралиғида яратилган, деган фикрга келинди.

Гуруҳимиз томонидан қазимша ишлари давомида топилаётган обидалар ва ноёб санъат намуналари билан таништириш ниятида



халқаро анжуман ва кўргазмалар ўтказиш, илмий ҳамда илмий-оммабоп рисоалар яратишни режалаштирганмиз. Бундан мақсад, халқаро илмий майдонда дунё тамаддунига ўз хисасини қўшган мамлакатимизнинг буюк ва бой тарихини намоен этишдир. Негаки, археологик қазимшалар жараёнида топилаётган ноёб обидалар жонанжон Ватанимиз тарихидан ҳикоя қилувчи дурдона — минг йилликларни ўзида мужассам этган сирли сандиқдир.

Изланувчан олимларимиз ва археологларимизнинг хорижлик мутахассислар билан ҳамкорлиги давлатчиликимиз тарихига мансуб ашёлар асрорини очишда, халқимизнинг турмуш тарзи, маданияти, ижтимоий ҳаётидан ҳикоя қилувчи манба сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Тўхташ АННАЕВ,
Яхё Фуломов номидаги
Археология институти
катта илмий ходими.

Шомурот ШАРАПОВ
олган суратлар.

ТАНЛОВ

"Билимлар беллашуви"нинг вилоят босқичида Ёшувон туманидаги 65-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқувчиси Фахриддин Рўзиев тарих фани бўйича юз имкониётдан юз балл тўлаб, ўз тенгдошлари ичида биринчи ўринни эгаллади.

Билимли ҳамиша ғолиб

— Қобилиятли ёшларни аниқлаш, уларни кўлаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мазкур беллашувнинг нуфузи йил сайин ошиб бормоқда, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси Давлат таълим стандартлари мониторинги бўлими мутахассиси Кимёхон Ражабова. — Ўтган ўқув йилида вилоятимиз ўқувчилари беллашувнинг республика босқичида 13 та биринчи, 12 та иккинчи, 3 та учинчи ўринни эгаллаган ҳолда, умумжамоа ҳисобида ғолиб чиқилган эди. Бу галги танловнинг вилоят босқичида 471 нафар ўқувчи қатнашиб, ўз билимини синовдан ўтказди. Яқунда 37 нафар ғолиб номи аниқланди. Улар беллашувнинг республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.



Фан ва техника янгиликлари

Фаргона давлат университети олимлари узоқ изланишлар натижасида шамол генератори яратилган муваффақ бўлишди.

Шамол генератори яратилди

Халқ хўжалигини электр энергияси билан таъминлашга мўлжалланган, қуввати 0,5 кВт.ли бу қурилма айни чоғда лаборатория шароитида синовдан ўтказилмоқда.

Эътиборлиси, кашфиёт мўқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, органик ёқилгини тежас, ҳудудлардаги экологик вазиятни яхшилаш ва бориш қийин жойларда энергия таъминоти масаласини ижобий ҳал этиш имконини беради.



Маълумки, ҳозирги кунда дунёнинг кўпгина давлатларида қозғога эҳтиёж тобора охиб бормоқда.

Сомондан қозғо олинади

Тошкент кимё-технология институти олимлари томонидан яратилган "Бир йиллик ўсимликлар асосида целлюлоза олиш технологияси" ана шу масалани ижобий ҳал этишга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Бу технология қозғо ва кимё саноатини янги йиллик ўсимликлар асосида целлюлоза олиш технологияси ана шу масалани ижобий ҳал этишга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Бу технология қозғо ва кимё саноатини янги йиллик ўсимликлар асосида целлюлоза олиш технологияси ана шу масалани ижобий ҳал этишга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Илёс РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси бўлим бошлиғи ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг жамоаси Конституциявий суднинг фахрийси — собиқ котибати муdiri **Матлуба Ғаниевна АЛИЕВАНING** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси газетажурнал мажмуаси бошлиғи Бехзод Адхамовга падари бузруквори **ҲИКМАТИЛЛА отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт Sport Спорт

ШАХМАТ

Бирлашган Араб Амириликларида 20 ёшга ча бўлган шахматчилар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган истеъдодли шахматчи Савиноз Қурбонбоева бронза медалини кўлга киритди.

Ҳамюртимиз қитъа биринчилигининг тезкор шахмат беллашувлари-

да мезбон спортчилар — Моза ал-Момарий, Салма ал-Давфари, ҳиндистонлик Шетти Шристри ва Рия Савант, вьетнамлик Ти Май Нгуен ҳамда киргизистонлик Ойжаркин Чингиз қизини маглубиятга учратиб, тўққиз имкониётдан олти очко жамгарди.

МИНИФУТБОЛ

Тошкентнинг "Локомотив" жамоаси минифутбол бўйича Ўзбекистон кубогини кўлга киритди.

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида бўлиб ўтган финал учрашувида "темир йўлчилар" мамлакатимизнинг кўп қарра чемпиони "Ардус" клубини 4:3 ҳисобида маглубиятга учратди.

ЎЗБЕК ЖАНГ САНЪАТИ

Ўзбекистон Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш марказида ўзбек жанг санъати ютуқлари бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда мамлакатимизда миллий кадрларимизни тиклаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида ўзбек жанг санъати жимоний ва маънавий камолот воситаси сифатида ёшларимиз ўртасида кенг оммалашиб бораётгани кайд этилди. Хусусан, айни пайтда юртимизда 40 мингдан зиёд ўғил-қиз мазкур спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Улардан энг иқтидорлари ўтган йили Литва-

нинг Шяуляй шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро спорт ҳамма учун ассоциациясининг V Жаҳон уйинлари, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган VI жанг санъатлари Олимпиадаси, Испанияда WASCO йўналиши бўйича ташкил этилган жаҳон чемпионати, Жанубий Кореянинг Чонг-Жу шаҳрида жаҳон миллий жанг санъатлари уюшмаси (WoMAU) томонидан уюштирилган халқаро фестивалда муваффақиятли қатнашди. Жорий йилда эса спортчиларимиз Францияда бўлиб ўтган XXVIII халқаро жанг санъатлари фестивалда иккинчи ўринни кўлга киритди.

БОКС

Чирчиқ олимпия захиралари коллежида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатининг ғолиб ва совриндорлари номи маълум бўлди.

250 нафарга яқин спортчи қатнашган мусобақада мезбонлар вакили Бахтиёр Нидоев, Мадийр Саидрахимов, Асадбек Маликов, Қорақалпоғистон Республикаси спортчиси Абу Нурунов, жиззахлик Маҳмуд Уролов, Латиф Аҳмедов, андижонлик Сирожиддин Шоодилжонов, Султонмурод Омонов, Улугбек Собиров, самарқандлик Абдумалик Мухаммадиев, фарғоналик Обид Тоҳиров, Абдумажид Бердиев, Мўмин Тилаволдиев, Шохруҳ Рустамов чемпионликка эришди.

Фазилдин АБИЛОВ
тайёрлади.

Манзарали, фойдали ва шифобахш

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлуклари мамлакатимизда зўр уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Обод турмуш йилида мазкур тадбирнинг кўлами янада кенгайиб, юртимизнинг шаҳар ва туманлари, қишлоқ ҳамда овуллари боғ-роғларга бурканилган. Маҳаллалар, муҳташам иншоотлар атрофлари, кенг ва равшан йўлларнинг бўйлари бунёдкорлик-ободонлаштириш ишларига ҳамроҳанг тарзда кўкаламзорлаштирилган, айниқса, қувонарлидир.

МАВСУМ

Дарҳақиқат, кейинги йилларда боғлар бунёд этиш, хусусан, ландшафт дизайнига бўлган ёндашув тамомилан ўзгарди. Гап шундаки, йўл ёқалари, истироҳат боғлари, сайилгоҳларда, экилган ҳар туп дарахт кишига нафақат ором беради, балки атроф-муҳитга ўзига хос жозиба бахш этади. Шу боис кейинги йилларда республикаимизда атмосфера ҳавосини тозалайдиган, шовкин-суронни ушлайдиган, шунингдек, шифобахш хусусиятларга бой дарахт ниҳолларини ўтқизишга ҳаракат қилинмоқда.

Сохта каштан ана шундай

фойдали дарахтлар сирасига кириди. Шу боис ойлук доирасида ушбу дарахт ниҳолларини қадашга алоҳида эътибор қаратилаётти. Бунда Вазирил Маҳкамасининг 2007 йил 7 сентябрдаги япон софораси ва сохта каштан дарахти кўчатларини экишни кўлайтириш чора-тадбирларига доир қарори дастуриламга бўлмоқда.

Айтиш жоизки, сохта каштан кўчалар, сайилгоҳ ва турли истироҳат боғларига экиш учун қўлай бўлиб, гуруҳлаб, қаторлаб, хусусан, кўкаламзор ялангликка яқка ҳолда ўтқазилганда жуда гўзал манзара беради. Бу набо-

тот намунаси 200-300 йилгача яшashi, бизнинг шароитда эса зараркунандалар билан деярли зарарланмаслиги эътиборга моликдир. Тана илдизи ҳамда ён илдизлари мустаҳкамлиги туфайли кучли шамол эсадиган ерларда ҳам бемалол ўсаверади.

Унинг аҳамияти фақатгина чиройли манзара бериши билангина изоҳланмайди. Гули, новда пўстлоғи ва меваси ҳам доривор саналади. Пўстлоғи таркибиде эса эскулин, фракцин гликозидлари, сапонинлар, ёғ, ошловчи ва бошқа моддалар бўлса, гулида рутин, пектин, флавоноидлар микдори кўп. Уруғида флавоноидлар, сапонинлар, ёғлар, крахмал, ошловчи моддалар,

шунингдек, ҳар хил бирикмалар учрайди.

Сохта каштан дарахтининг ёғочидан, енгил фанер, вино бочкаси ясалади. Уймакорликда ундан кенг фойдаланилса, меваси чорва моллари учун тўйимли озуқади. Уруғидан техник ҳамда полиграфия елими ишлаб чиқаришда кўлланиладиган крахмал олинади. Дарвоқе, асаларчиликда ҳам мазкур дарахтларнинг аҳамияти беқийсдир.

Айни экин-тикин пайтида биз, мутахассислар сохта каштан экиш, уни парваришлаш бўйича маслаҳатлар бериб, йўл-йўриқлар кўрсатаймиз. Бу экилган ниҳолларни беҳато ундириб олиш имконини яратади, албатта.

Бундан ташқари, каштан дарахтлари фармацевтика саноати ва бошқа бир қатор соҳаларни қимматбахо хом ашё билан таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Демак, бу борадаги ишларимиз юрт ободлиғи, атроф-муҳит мусофоллиги, миллиятимиз саломатлиги учун хизмат қилиши, шубҳасиз.

С. ҚОЖАХМЕДОВ,

Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказининг лойиҳа раҳбари, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Ижтимоий реклама

2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун бурортмалар қабул қилиш бошланди!

2013 йилда янги уй эшикларини очинг!

- Қишлоқ жойларда истикомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти.
- Қўлай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда.
- Замонавий дизайнли уйлар.
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга.
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равшан йўлларга эга.
- Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

Келажак учун ЖАМФАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатингизни кўлайтириш имконияти.
- Имтиёзли фоиз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити.
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари.
- Маош микдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди.
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни — тежамкорлик ва арзон нархлар гарови.

Замонавий қурилиш моллари ва юқори сифатли уй эшикларини очинг!

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиғи.
- Бир йиллик сифат кафолати.
- Улгуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.

Марҳамат, муурожаат қилинг!

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига.
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига.
- «Қамолот» ЕИҲ бўлинмаларига.
- Хотин-қизлар қўмиталарига.
- «Қишлоқ қурилиш банк» филиалларига, минибанкларига.
- «Қишлоқ қурилиш инвест» филиалларига.

100060, Тошкент ш., Шахрисабз к., 36-уй.
Тел.: (+998 71) 150-93-39.
Факс: (+998 71) 150-39-93.
www.qqb.uz
e-mail: headoffice@qqb.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 115 687 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзловлар 232-11-15.

Таҳририятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10 Топширилди — 23.05 1 2 3 4 5